



КУРБОНЖОН ДОДХОХ КЎЗГОЛОВИ — чор Россиясининг мустанлакачилик зулмига карши кўтарилган халк кўзголови (1875—76). Бу кўзголонга Олай воҳаси ҳокими, Олай маликаси сифатида машҳур бўлган Курбонжон додхох бошчилик килган.

«Пўлатхон» кўзголови оммавий тус олгач, Курбонжон додхох ўз ўгиллари билан кўзголончилар томонига ўтган.

1876 й. март ойида Туркистон генералгубернатори К. П. Кауфман Олай воҳасига янги ҳудудларни босиб олиш ва халк кўзголонларини шафкатсиз бостириш билан ном чиқарган генерал М. Д. Скобелевни юбориб, кўзголончилардан 3 кунлик муддат ичида бўйсунуш ва ҳар бир ўтов солиқ тўлашини талаб килган. Чорвадор киргизлар ва ўзбеклар боскинчиларга итоат килмай, уларга карши Курбонжон додхох бошчилигида курашга отланган. Скобелев раҳбарлигидаги Россия кўшини 1876 й. 21 мартда Ўшга келади. Скобелев айланма йўл орқали хужумга ўтиб, кўзголончиларни Сўфикўргонгача суриб ташлаган. Абдуллабек қолган йигитлари билан Кизилорт доғони томонга чекиниб, Помир тоғларига чиқиб кетган.

Кауфман буйруғи билан 1876 й. ёзида Олай воҳасига жазо отряди жўнатилган.

Скобелев бошчилигидаги кўшин 15 июлда Олайга 3 томонлама — Ўш, Учкўргон ва Гулчадан йўлга чиқишган. Абдуллабек 2 минг кишилик кўшини билан Ўшдан 40 чакирим наридаги Шоти деган жойда пистирма қўйиб, чор кўшинларини Олайга ўтказмасликка ҳаракат килган. Полковник Витгенштейн ва киргиз Шабдон Жонтой ўғли бошчилигидаги қисмлар билан Абдуллабек кўшини ўртасида аёвсиз жанглар бўлган. 31 июлда киргизларнинг бир неча бийи Скобелевга таслим бўлган. Витгенштейн кўшини 1876 й. авг. да Абдуллабек йигитлари ортидан қувиб, Помирга кириб борган.

8 сент. да Сўхга яқин Айланма деган жойда ҳар 2 кўшин ўртасида сўнгги тўқнашув бўлиб, унда Абдуллабек бошчилигидаги кўзголончилар енгилади. Абдуллабек укалари ва сафдошлари билан Қоракўлдан Чўнгсув дарасига ўтиб, сўнгга Туёксув дараси орқали Қашкар ва Шугнон тарафга, кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетган. Абдуллабек ўша йилиёқ Маккага ҳаж сафарига жўнаб, йўлда вафот этган (унинг жасади кейинчалик Гулчага олиб келиниб, дафн этилган).

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Скобелев Ўш уезди ҳокими П. П. Ионов

воситачилигида Курбонжон додхох билан музокаралар олиб борган. Скобелев билан Курбонжон додхох Олайда шахсан учрашишган ва ўртада сулҳ тузилиб, чор ҳукуматига кўрсатаётган қуролли қаршилиқ тўхтатилган (1876 й. охири).

Курбонжон додхохнинг ўғиллари Махмудбек, Хасанбек, Ботирбек Кобулдаги қувғинликдан қақирилиб, уларга Олай воҳасида янги тузилган бўлисларга бошчилиқ қилиш топширилган. Унинг қичиқ ўғли Қамқибек эса кейинчалиқ рус маъмурлари томонидан ўшда дорға осиб ўлдирилган (1895).

Ад.: Бабабеков Х. Н., Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические и политические предпосылки, Т., 1990; Народные движения Средней Азии в XIX веке (По материалам Киргизстана). Бишкек-Ош, 1998.

Қахрамон Ражабов.